

УРБАНИЗАЦИЯ ВА ЦИВИЛИЗАЦИЯ ТУШУНЧАЛАРНИНГ ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ

Сайидов Қахрамон Бектурдиевич

Урганч Давлат Университети мустақил тадқиқотчиси

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада, “Цивилизация” атамасининг инсоният тарихида ижтимоий алоқа воситалари, тил, бошқариш тизими, шаҳарлар юзага келгани билан изоҳланиши ва цивилизация ва цивилизацион ривожланиш ҳақидаги илмий баҳслар ҳамда “урбанизация” ва “цивилизация” тушунчалари, фалсафий герменевтик нуқтаи назардан, бир бирига яқин ва бир биҳамда ўрнини тўлдириб келувчи воқеликлар эканлиги тўғрисида фикр юритилади.

Калим сўзлар: Умуминсоний тараққиёт, урбанизация, цивилизация тараққиёт босқичлари, ижтимоий-тарихий тараққиёт қонунлари, меҳнат тақсимооти, ишлаб чиқариш кучларининг ривожланганлиги, шаҳарлар ролининг ошиши, инфратузилма, агломерациялар, ибтидоий жамият.

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматривается трактовка термина «цивилизация» в истории человечества с появлением средств социальной коммуникации, языка, системы управления, городов и научных дискуссий о цивилизации и цивилизационном развитии, а также понятия «урбанизация». и «цивилизация» с философско-герменевтической точки зрения близки друг другу и считаются взаимодополняющими реальностями.

Ключевые слова: Всеобщее развитие, урбанизация, этапы развития цивилизации, законы общественно-исторического развития, разделение труда, развитие производительных сил, возрастающая роль городов, инфраструктура, агломерации, первобытное общество.

ABSTRACT

This article discusses the interpretation of the term "civilization" in the history of mankind with the advent of social communication tools, language, management system, cities and scientific discussions about civilization and civilizational development, as well as the concept of "urbanization". and "civilization" from a philosophical and hermeneutic point of view are close to each other and are considered complementary realities.

Keywords: General development, urbanization, stages of civilization development, laws of socio-historical development, division of labor, development of

productive forces, growing role of cities, infrastructure, agglomerations, primitive society.

КИРИШ

“Урбанизация” ва “цивилизация”, этимологик нуқтаи назардан шаҳарга тааллуқли тушунчалардир. “Цивилизация” сўзини илмий атама сифатида илк бор (1766 йилда) ишлатган француз файласуфи Н.А.Буланже ҳисобланади. Бироқ унинг китоби кейинроқ чоп этилгани учун атамани илмий истеъмолга киритган Гольбахдир. Бироқ баъзи тадқиқотчилар уни 1767 йилда илмий истеъмолга шотланд файласуфи А. Фергюсон киритган, деб ҳисоблайди. А.Фергюсон “цивилизация” тушунчасини “ижтимоий страт” ва шаҳарларнинг юзага келиши билан боғлаган. “Цивилис” сўзини фуқаровий, шаҳарга тааллуқлилик, давлатга доирлик, маъноларида ишлатган¹. “Цивилизация” атамасининг инсоният тарихида ижтимоий алоқа воситалари, тил, бошқариш тизими, шаҳарлар юзага келгани билан изоҳлаш бошқа тадқиқотчиларнинг асарларида ҳам учрайди². Бироқ бу борадаги, айниқса цивилизация ва цивилизацион ривожланиш ҳақидаги илмий баҳслар ҳали давом этмоқда, улардан қайси ёндашув объектив, реалликка яқин эканини кейинги тадқиқотлар кўрсатади. Биз учун “цивилизация” тушунчасининг урбанизацияга яқинлигини таъкидлаш, улар ўртасидаги сингармонияни кўрсатиш, биз бугун ишлатаётган “урбанизация” ва “цивилизация” тушунчалари, фалсафий герменевтик нуқтаи назардан, бир бирига яқин ва бир бирини тўлдириб келувчи воқеликларэканини тасдиқлаш, умуминсоний тараққиётда уларнинг иккаласи ҳам муҳим рол ўйнаганини очиб бериш муҳимдир. Таниқли инглиз тарихчи файласуфи А.Тойнбининг ҳисоб-китобларига кўра, инсониятнинг цивилизацияга ўтганига 6 минг йилдан кўпроқ вақт бўлди³. Агар муаммога шу нуқтаи назардан қарасак, урбанизация ва цивилизация тараққиёт босқичлари айнан бўлиб чиқади. Чунки, умуминсоний ижтимоий тараққиётда уларнинг иккаласи ҳам бирдек муҳим ва умумий қонуниятларга эга.

¹ Қаранг: Фергюсон А. Опыт истории гражданского общества. -Москва: РОССПЭН, 2000. С.28. (Университетская библиотека).

² Қаранг: Февр Л. Цивилизация: эволюция слова и группы идей. Бои за историю. - Москва: “Наука”, 1991; Ерасов Б.С. Цивилизации: универсалии и самобытность. -Москва: “Наука”, 2002; Семёнов Ю.И. Философия истории (Общая теория, основные проблемы, идеи и концепции от древности до наших дней). -Москва: “Современные тетрады”, 2003.

³ Қаранг: Тойнби А. Постигание истории. -Москва: Прогресс, 1991. С.5-6.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Ижтимоий-тарихий тараққийёт қонунлари ўтмишдаги ранг- баранг, гоҳо зиддиятли ва англаш мураккаб бўлган воқеалардан иборатки, К.Ясперс ибораси билан айтганда, “инсон ҳаёти моҳияти ана шу воқеликлардан оддий қонуниятлар аниқлашга бориш орқали англаниши мумкин”⁴. Демак, тарих ва ўтмишдаги ҳодисалар қанчалик ранг- баранг ва мушкул бўлмасин, уларни “такрорланадиган оддий” қонуниятлар орқали англаш мумкин. Мавжуд илмий-тарихий ва фалсафий адабиётларни ўрганишдан келиб чиқиб, цивилизацияшунос файласуф Б.С. Ерасов ушбу қонуниятларни қуйидаги йўналишлар: 1) меҳнат тақсмоти; 2) ишлаб чиқариш кучларининг ривожланганлиги; 3) шаҳарлар ролининг ошиши; 4) ўзига хос инфратузилманинг шаклланиши; 5) агломерацияларнинг вужудга келиши; 6) умумий тил ва этномаданий омиллар таъсири орқали қарашни, ўрганишни таклиф этади. Улар бизнинг қарашларимизга ҳам мос, шунинг учун биз мазкур мавзудаги фикр-мулоҳазаларимизда уларга таянамиз. Биринчидан, меҳнат тақсмотининг юзага келиши ва унинг жамиятда горизонтал (профессионал ихтисослашуви) ва вертикал (ижтимоий стратификация) шаклланиши қонунидир⁵. Таниқли америкалик этнограф Л.Г.Морган инсоният ва кишилик жамияти, маданияти шаклланишининг илк босқичини “уруғчилик жамияти”, яъни тўда бўлиб яшашга асосланган “ибтидоий жамият” деб атаган эди. У мазкур жамиятни кишиликнинг маданиятга қадам қўйгандан олдинги, ибтидоий тўда даври (илк ва ўрта палеолит, архаик давр) сифатида қаради. Бу давр ҳақида кўплаб асарлар ёзилган, гипотезалар илгари сурилган⁶. Мазкур тадқиқотларда келтирилган археологик ва этнографик материаллар миллион йиллар давом этган ибтидоий(архаик) давр ўзига хос маданият яратганини кўрсатади. Масалан, архаик тасаввурлар кейинги давларда шакллантирилган трансцендентал, диний таълимотлар ва эътиқодларга асос бўлган⁷. Ибтидоий, архаик даврдан кейинги босқичларнинг ўзига хос қонуниятлари аввало меҳнат тақсмоти билан боғлиқдир. Горизонтал йўналишда у турли касб- корларнинг вужудга келиши, аёл билан эркак, ота-она билан фарзандлар ўртасидаги оилавий

⁴ Ясперс К. Смысл и назначение истории.--Москва: Изд. полит. лит., 1991.С. 29.

⁵ Қаранг: Ерасов Б.С. Цивилизации: универсалии и самобытность.-Москва: “Наука”, 2002. С. 11-12.

⁶ Қаранг: Боас Ф. Ум первобытного человека.--Москва-Ленинград, 1926; Борисковский П.И. Древнейшее прошлое человечества. -Москва-Ленинград, Госиздат, 1957; Первобытное общество. Сборник. -Москва: Гослитиздат, 1932; Быстров А.П. Прошлое, настоящее, будущее человека. -Ленинград: “Наука”, 1959; Семенов Ю.И. Как возникло человечество. -Москва: “Наука”, 1966; Тайлор Э. Первобытная культура.-Москва: Политиздат, 1989; Леви Строс К. Первобытное мышление.- Москва: “Республика”, 1994.

⁷ Қаранг: Рязанова Е.К. Психология религии. Введение в общее религиоведение.-Москва: “Грант”, 2001; Абдусамедов А.Э. ва бошқалар. Диншуносликасослари.- Тошкент: “Университет”, 1996.

вазифаларнинг тақсимланишида намоён бўлади. Бу илк кишилик маданияти шаклланган босқич эдики, унда меҳнат тақсимооти асосан феодал, аграр муносабатлар атрофида рўй берган. Шунинг учун илмий адабиётларда бу XVI-XVII асрларга бўлган даврни агроцивилизация босқичи ҳам дейишади. Агроцивилизация қишлоқ хўжалигини қўллаб -қувватлаган, барча ижтимоий ҳаёт негизини деҳқончиликда кўрган ижтимоий- тарихий босқич эди. Унда ер ҳайдаш, экиш, ҳосилни териб олиш ва уни тақсимлаш, аҳолига олиб бориб сотиш, пуллаш қабилар меҳнат тақсимоотига қурилган. Деҳқон хўжалиги асосан ўзини ўзи таъминлашга қаратилган меҳнат тақсимоотини назарда тутган. Ортиқча маҳсулот эса савдога, бозорга олиб чиқилган, деҳқон хўжалиги эҳтиёжларига зарур нарсаларга алмаштирилган ёки улар эквивалентига пулланилган. Бу савдо-сотиқни феодал хўжалигида махсус кишилар амалга оширган. Шу тариқа деҳқон, терувчи, сувчи, сотувчи, хирмончи, ишлаб чиқарувчи, қайта ишловчи қабил қатор касб-хунарлар юзага келганки, уларнинг профессионаллашуви (горизонтал муносабатлар) ижтимоий меҳнатни ва меҳнат тақсимоотини самарали қилган. Горизонтал муносабатларнинг афзал жиҳати шунда эдики, у этноснинг барча аъзоларини меҳнат жараёнига жалб этган, меҳнат тақсимооти экстенсив тарзда кишиларни ўзига тортган ва янги-янги касб-кор эгаларини меҳнат бозорига олиб чиққан. Тўғри, феодализм(агроцивилизация) давридаги бозор билан капитализм (индустриал) цивилизацияси давридаги бозор ўртасида катта фарқ мавжуд. Бироқ агроцивилизациянинг ўзига хос қонуниятлари, яъни ер муносабатлари, уни ишлаш, олинган ҳосилни қайта ишлаш билан боғлиқ меҳнат тақсимооти, “деҳқон хўжалиги” ва “феодал хўжалиги” деган институтларнинг юзага келгани агломерацияларни шакллантирди. Улар ҳозирги маънодаги, комплекс инфратузилмалардан иборат шаҳар агломерацияси бўлмаса- да, ҳар ҳолда аҳолини уюштирувчи ижтимоий маконлар эди. Бу ижтимоий маконлар турли касб-кор ва қосиблар, хунармандлар, хизматчиларни ижтимоий- иқтисодий муносабатлар марказига қўйди. Бутун горизонтал муносабатлар ана шу агломерация атрофида кечди, бу эса аста-секин шаҳар-давлатларни, катташаҳарларни юзага келтирди. Шаҳар агломерацияси деҳқон хўжалигига эмас, балки савдо- сотиқ, ишлаб чиқариш, товар айирабошлаш, турли хизматлар кўрсатиш ва пул муносабатларини йўлга қўйиш технологиясига мослашди. Меҳнат тақсимооти вертикал муносабатларни ҳам шакллантирган. Меҳнат қилувчи ва меҳнатни ташкил этувчи, уюштирувчи дифференциаллашган, уларнинг меҳнатга бўлган муносабати турлича

эди, албатта. Катта ер эгалари ёллаган деҳқонлар ҳосилининг асосий қисми феодалга ўтган, бундай тизим агломерацияларда ҳам қарор топган. Сиёсий институтларнинг юзага келиши ана шу вертикал муносабатларнинг ифодаси эди. Уларнинг ижтимоий ҳаётда устувор кучга айланиши билан меҳнат тақсимотида икки субъект: меҳнаткаш (деҳқон, хизматчи, ҳунарманд, сотувчи, қайта ишловчи) ва буюртмачи (истеъмолчи, уюштирувчи, бошқарувчи, ҳокимият) пайдо бўлган. Вертикал муносабатларда ҳал қилувчи ролни буюртмачи ўйнаган, меҳнаткаш эса унинг истак ва эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилган. Бу босқич қонунияти шаҳар-давлат ва катта шаҳарларнинг ролини ошириш билан якунига етган. Шуни назарда тутиб, К.Ясперс Қадимги Хитой, қадимги Ҳиндистон ва Қадимги Юнонистон тажрибаларига таяниб, ёзади: “ Бу даврда кўплаб майда шаҳарлар ва давлат бор эди, ҳамма ҳаммага қарши курашган, шунга қарамай, ҳайратли тарзда гуллаб яшнаш, қудратга тўлиш ва бойлик тўплаш рўй берган. Заиф Чжоу династияси даврида Хитойда кичик давлатлар ва шаҳарлар ўзи ҳаёти билан яшаган, сиёсий жараёнларнинг ривожланиши эса айрим бир кичик давлатнинг бошқа кичик давлатни ўзига итоат эттириш натижасида кучайтирган. Эллада ва Яқин Шарқда кичик давлатлар ва шаҳарлар марказга боғлиқ бўлмаган тарзда ўз ҳаётини ўзи ташкил этган, яшаган. Уларнинг баъзилари форслар қўли остида бўлган. Ҳиндистонда жуда кўплаб давлатлар ва мустақил шаҳарлар мавжуд эди”⁸. Айнан улар Қадимги Хитой ва Қадимги ҳинд цивилизациясининг бешиклари эди. Шаҳарлар ва шаҳарлар атрофига йиғилган аҳоли билан узоқ чеккаларда яшаган қабилалар, элатлар ўртасидаги алоқалар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлар сотиш ва сотиб олишдан иборат бўлиб, аста-секин умумий этномаданий(тил, урф-одат, эътиқод) муҳит шакллانган. Бу эса буюк империяларни шакллантирган. Хуллас, шаҳарларнинг вужудга келиши ва йириклашуви жараёнлари билан катта давлатлар, империяларнинг шаклланиши косубстанционал асосга эга. Мазкур косубстанционал асос боис илк урбанизация элементлари, яъни агломерациялар, шаҳар аҳолисининг ўзига хос турмуш тарзи, одатлари, хўжалиги ва инфратузилмаси вужудга келган. Шу тариқа шаҳар маданияти алоҳида ижтимоий воқеликка, давлат институтининг барқарор ишлаши, мустаҳкамланиши ва ривожланиш мезонига айланган. Архелог ва этнографларнинг қадимги халқлар давлатини, ҳаёт тарзи ва цивилизациясини ўрганганларида аввало шаҳарлар ва турар жойларга, улардан қолган ёдгорликларга эътибор бериши бежиз эмас. Улар қадимги давлат ва

⁸ Ясперс К. Смысл и назначение истории. -Москва: Изд. полит.лит., 1991. С. 35.

этномаданият, цивилизация ҳақида аниқ тасаввурлар уйғотади, этноснинг қанчалик фаол, жипс ва мобил яшаганини кўрсатади. Ўтроқлик нафақат маданият ва цивилизациянинг, шунингдек, урбанизацион ривожланишнинг ҳам белгиси ва кафолатидир. Иккинчиси, ишлаб чиқариш кучларининг ривожланганлиги қонунияти. Урбанизация ва цивилизациянинг косубстанционал асоси ишлаб чиқариш кучларида экани аксиомадир. Бироқ бу куч турли ижтимоий-тарихий босқичларда турлича ўзини намоён этади. Агроцивилизацияда бу куч деҳқон хўжалигига, индустриал цивилизацияда илмий-техник воситаларга асосланган ишлаб чиқариш, постиндустриалцивилизацияда эса юқори технологик ва нанотехнологик кашфиётларга, асосан интеллектуал меҳнатга қурилгандир. Агроцивилизациядаги қўл меҳнати аввал (индустриал тараққиёт босқичи) техникага, кейин (постиндустриал тараққиёт босқичи) интеллектуал меҳнатга айланди. Ишлаб чиқариш кучларининг бундай трансформациясида инсон омилини рад этиш мумкин эмас. Постиндустриалцивилизацияда инсон ролини ва иштирокини минималлаштиришга интилиш кўзга ташланади. Бу ҳол инсонда истеъмолчиликни авж олдиради. Миллион йилларда давом этиб келган, инсонни онгли ва фаол субъектга айлантирган, унинг ҳаётига ва саломатлигига моҳият бахш этган жисмоний меҳнат бошқа, цивилизация талабларига мувофиқ келадиган, машқлар ва меҳнат турлари билан тўлдирилиши зарур. Бундай машқлар ва меҳнат турларининг йўқлиги ёки уларнинг инсон ҳаётидан сиқиб чиқарилгани инсон учун фожиага айланади. Масалан, бугун, жисмоний ҳаракатларнинг камлиги туфайли юзага келаётган, инсон саломатлигига бориб тақалаётган гиподинамия, ичак касалликлари, диабет, юрак хастликлари ошиб бормоқда. Бутун жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг берган расмий маълумоти (2019 йил)га кўра, бугун бевақт ўлаётган кишиларнинг 6 фоизи гиподинамия, 21-25 фоизи ички касалликлар, 27 фоизи диабет ва 30 фоизи юрак ишемия касалликларига тўғри келади⁹. Постиндустриалцивилизацияда яшаётган европаликлар ўртасида кунини ўтириб ёки жисмоний ҳаракат қилмай ўтказиш фожиаи тарзда ошиб бормоқда. 2002 йилдан 2017 йиллар ичида камҳаракатчанлик Германияда 7,4 фоизга, Францияда 17, 8 фоизга, Буюк Британияда эса 22,5 фоизга ошган. Энг хавфли жойи шундаки, камҳаракатчанлик ёшлар ва куч-қувватга тўла кишилар ўртасида кенг тарқалмоқда¹⁰. Ишлаб чиқариш кучларининг жисмоний ҳаракатчанлигини

⁹ Қаранг: <https://ssmu.ru/news/archive>.

¹⁰ Қаранг: Deutsche Welle. 2022.

техника, нанотехнология ва интертехнология устига юклаши урбанизация ва цивилизациянинг аск таъсири ҳамдир. Аммо бу илмий-техник инқилобнинг ижобий таъсирини, инсоннинг ижодий салоҳияти ва креатив фаоллигини оширишга олиб келганини инкор қилолмайди. Давлатлар ва мамлакатлар ўзининг ижтимоий-маданий тараққиётини, умуминсоний цивилизацияда барқарор ўринга эга бўлишини шаҳарлаштириш сиёсатини амалга ошириш, урбанизацион ривожланишни таъминлаш, энг муҳими, камбағалликни камайтиришда кўрмоқда¹¹.

ХУЛОСА

Шундай экан, ишлаб чиқариш кучларининг фаоллиги, урбанизация ва цивилизация талабларига мувофиқ ўсиши, янгилиниши табиий ҳолдир. Фақат шаҳарлар шароитида ушбу жараёнларни рационал кечишини таъминлаш, дуч келган жойда ёки туманда мардикорлар бозорининг шаклланишига йўл қўймаслик зарур. Мардикорлар бозори ишлаб чиқариш кучларининг ҳолатини ифода этмайди, аммо улар аҳоли ўртасида иш билан бандлик, касб-корни долзарблаштириш, ёшларни альтернатив фаолиятга жалб этиш билан боғлиқ муаммолар борлигини кўрсатади.

REFERENCES

1. Қаранг: Фергюсон А. Опыт истории гражданского общества. -Москва: РОССПЭН, 2000. С.28. (Университетская библиотека).
2. Қаранг: Февр Л. Цивилизация: эволюция слова и группы идей. Бои за историю.- Москва: “Наука”,1991; Ерасов Б.С. Цивилизации: универсалии и самобитность.-Москва: “Наука”,2002; Семёнов Ю.И. Философия истории (Общая теория, основные проблемы, идеи и концепции от древности до наших дней). -Москва: “Современные тетрады”, 2003.
3. Қаранг: Тойнби А. Постигание истории.-Москва: Прогресс, 1991. С.5-6.
4. Ясперс К. Смысл и назначение истории.--Москва: Изд. полит. лит., 1991.С. 29.
5. Қаранг: Ерасов Б.С. Цивилизации: универсалии и самобитность.-Москва: “Наука”, 2002. С. 11-12.
6. Қаранг: Боас Ф.Ум первобытного человека.--Москва-Ленинград, 1926; Борисковский П.И. Древнейшее прошлое человечества. –Москва-Ленинград, Госиздат, 1957; Первобытное общество. Сборник. -Москва: Гослитиздат, 1932;

¹¹ Қаранг: Аджемоглу Д. Почему одни страны богатые, а другие бедные. Происхождение власти, процветания и нищеты.--Москва: АСТ, 2019. С.621.

- Быстров А.П. Прошное, настоящее, будущее человека. -Ленинград: “Наука”, 1959; Семенов Ю.И. Как возникло человечество. -Москва: “Наука”, 1966; Тайлор Э. Первобытная культура.-Москва: Политиздат, 1989; Леви Строс К. Первобытное мышление.- Москва: “Республика”, 1994.
7. Қаранг: Рязанова Е.К. Психология религии. Введение в общее религоведение.-Москва: “Грант”, 2001; Абдусамедов А.Э. ва бошқалар. Диншуносликасослари.- Тошкент: “Университет”, 1996.
8. Ясперс К. Смысл и назначение истории. -Москва: Изд. полит.лит., 1991. С. 35.
9. Қаранг: <https://ssmu.ru/news/archive>.
10. Қаранг: Deutsche Welle. 2022.
11. Қаранг: Аджемоглу Д. Почему одни страны богатые, а другие бедные. Происхождение власти, процветания и нищеты.--Москва: АСТ, 2019. С.621.